

Майна майна бўлди

Ҳикоя

Баҳор қуёшининг ҳаётбахш нурлари дарахтлардаги эртапишар меваларни ўзгача меҳр билан сийлаётган палла. Боғдаги гилос қип-қизил, серсув, йирик-йирик бўлиб пишган. Тайёрга айёр деганларидек, иззатини билмаган ва чақирилмаган меҳмон – шаллақи майна гилос шохига келиб қўнибди-да, ҳе йўқ - бе йўқ, меваларни паққос туширишни бошлабди. Мевадан еб, роса қорни тўйгач, гилосга раҳмат айтиш ўрнига, вайсақилиги тутибди ва гилоснинг устидан мазах қилишга ўтибди:

- Эй гилос, сенга жуда раҳмим келади. Жуда ачинаман!

- Нега?-сўрабди гилос.

- Чунки сен бир жойда тураверасан. На ҳаётдан лаззат оласан, на дунё кўрасан. Етмагандек ҳар ким келиб, мевангни чўқиб, узиб отади. Мана мен кушман, қанотларим бор. Кўплаб юртларни кўраман. Хоҳлаган меваларимни ейман. Сен бўлсанг, уча олмайсан, юра олмайсан, аксинча, ҳаммага емиш бўласан. Шуюм ҳаётми?!

- Мен барчанинг қорнини тўйдираман ва бу билан фахрланаман. Дунёда кимгадир яхшилик қилиш, қувонч улашишдан ортиқ бахт борми?! Аксинча сенга қийин. Чунки осмонда учиш хатарли. Жонинг хавф остида бўлади. Лаҳзада йиртқичларнинг ҳамласига учрашинг мумкин,-дея жавоб берибди гилос.

- Э қўйсанг-чи, бўлмағур гапларни, сен кимсан, жойидан бир қадам ҳам жила олмайдиган бир дарахтсан-да, мен-чи, мен...-дея қорни тўйиб, жойида ёнбошлаб қолган мақтанчоқ майна эндигина учмоқчи ҳам эдики, юқоридан яшиндай тушиб келган қирғийнинг ўлжасига айланди.

Гилос эса кўз очиб юмгунча бўлиб ўтган воқеадан даҳшатга тушар экан, яхшиямки, дарахт бўлиб яралганим, дерди ўзига ўзи.

Шуни билки, сенга фойда етказган инсоннинг ҳам, жониворнинг ҳам, дарахтнинг ҳам устидан кулсанг, менсимасанг, қадр-қимматини оёқости қилсанг, бир кун, албатта, жазоланасан.